4.4 Шартнома тегишли Ғазначилик тизимидан руйхатдан ўтгандан сўнг беш банк иш кунида «Ташкилот» етказ бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30% изи олдиндан аванс тариқасида «Таъминотчи»нинг ҳисс рақамига ўтказиб беради.

4.5 Қолган охирги 70%изи «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотлар ҳисоб-варак фактуралари асосид 30 кун ичида ўтказиб беради.

4.6 «Ташкилот» томонидан 30% изи олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Таъминотчи» 3 банк иш кун давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда маҳсулотларни «Ташкилот»га етказиб беради.

4.7 Нархлардаги хар кандай ўзгаришлар, шу жумладан бозор нархларининг ўзгариши хом ашё ва материалла нархларидаги ўзгаришлар, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш хаки миқдорининг ўзгариши ёки бошқала сабабли маҳсулотлар баҳосининг ўзгариши тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилади ва ушбула тўғрисида шартномага қўшимча келишув киритилади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ:

5.1 «Таъминотчи» етказиб бериладиган маҳсулотнинг талаб ва стандартларга мос келишини кафолатлайди.

5.2 «Ташкилот» сифат ва яроклик сертификатлари бўлмаган маҳсулотларни қабул килмайди.

6. МАҲСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ:

6.1 Маҳсулотни қабул килишда «Ташкилот» уни миқдори, сифати, ассортименти ва руйхатини «Таъминотчи томонидан берилган маҳсулот етказилганлигини тасдикловчи ҳужжат (ҳисоб-фактура), ушбу шартнома ҳамд буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

6.2 Маҳсулотни қабул килиш якуни буйича «Ташкилот» кабул қилиш далолатномасини тузади. Ташкилот томонидан далолатноманинг имзоланиши кабул килинаётган маҳсулотнинг текширилганлигини билдиради.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ:

7.1 «Таъминотчи» маҳсулот етказиб беришда шартноманинг 2.1-булимида белгиланган шартларни бузганда, яъни маҳсулот етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборса, тўлиқ етказиб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учу мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тулайди. Лекин тўланадиган пеня суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар умумий суммасининг 50%дан ортмаслиги керак.

7.2 «Таъминотчи» томонидан жунатилган маҳсулотларга оид тулов ва маҳсулот етказиб берилганлиги тўғрисидаг бошка ҳужжатлар уз вактида, яъни маҳсулот билан бирга «Ташкилот»га тақдим этилмаса ҳар бир холат учу етказиб берилаётган маҳсулот қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тулайди.

7.3 «Таъминотчи» томонидан маҳсулотлар ўз вақтида ва белгиланган талаблар асосида етказаиб берилганда "Ташкилот" уларни асоссиз равишда кабул қилмаса, кабул килинмаган маҳсулотнинг 5% миқдорида, те бузиладиган маҳсулотлар буйича 10% миқдорида жарима тулайди.

7.4 Етказиб берилган маҳсулотлар учун «Ташкилот» томонидан ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса, яъни мазкур шартноманинг 4.4-бўлими бузилганда, тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасинин 0,4% миқдорида пеня тулайди. Лекин тўланадиган пенялар умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ:

8.1 Мазкур шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор килиш вактида келиб чикадиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чикилади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР:

9.1 Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар тарафларнинг келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади ва имзоланади.

9.2 Шартнома томонлар имзолаб, тегишли худудий Ғазначилик бўлинмасида руйхатга олинган кундан кучга кириб, **2022 йил 31 декабргача** амал қилади.

10. ФОРС МАЖОР:

10.1 Тарафларнинг бири бошка тараф олдида ушбу шартнома буйича олинган мажбуриятларининг эрк ва истагидан ташқари пайдо бўлган ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган, яъни уруш, ер кимирлаш, сув босиш, ёнғин ва бошка табиий офатлар билан боғлик бўлган холларда бажармаганликлари учун жавобгар булмайди.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

«MADAD 2020» X.K. ANDIJON TUMANI, OG'ULLIQ M.F.Y., TURMUSHOBOD 68 H/R: 20208000205166278001 «INFINBANK» ATB ANDIJON VIL. FILIALI MFO: 01114 STIR: 307052627	ANDIJON VILOYAT BOLALAR UYI ANDIJON SHAHAR, O'ZBEKISTON KO'CHASI №202-UY B.X/R: 10002186003401707332005400 1 STIR: 203287291 XXTUT: 92500 O'ZB. RESP. MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI 2340 2000 3001 0000 1010 AZIY BANK TOSHKENT SHAHAR OSH BOSHQARMASI XKKM : 00014 STIR: 201122919
Раҳбар К.Рахматуллаев	Д.Б.Саттарова
Ҳуқуқшунос:	